

# Qishloq hayoti

2013 йил

Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 16-ИЮЛ, СЕШАНБА, 86 (8167)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган  
Баҳоли келишган нархда.



**Шербодлик миришкорлар пахтадан мўл ҳосил олиш учун барча имкониятдан самарали фойдаланмоқда. Туманда ташкил қилинган 8 та механизаторлар уйида 320 нафар механизатор учун барча зарур шарт-шароит яратилган.**



**Жорий йилда "Микрокредитбанк" ОАТБ томонидан мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторига ажратилган сармоялар миқдорини 243,5 миллиард сўмга етказиш, шунинг ҳисобидан 106 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган эди. 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, соҳа ривожига йўналтирилган микромолиявий хизматларнинг қўлами 125,4 миллиард сўмни ташкил этди.**



**Россиянинг Қозон шаҳрида ўтаётган XXVII Жаҳон универсиадада оғир атлетикачимиз Руслан Нуриддинов олтин медални қўлга киритди. Моҳир спортчимиз штангани даст кўтаришда энг юқори – 190 килограмм натижани қайд этиб, аввалги рекорд кўрсаткичини етти килограммга оширди.**

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



**Жиззах – Мирзачўл йўналишидаги автомобиль йўли бўйлаб кейинги уч-тўрт йилда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтган йилларда етмиш километрдан ортиқ ушбу йўлнинг икки ёнида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги массивлар худудининг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.**



Жиззах вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

**ФАРМОНИ**

### ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириш бориш, фуқароларга ижтимоий мадани кучайтириш мақсадида:**

- 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.
- 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи – ойига 91 530 сўм; ёшга доир пенсиялар – ойига 179 020 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 179 020 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 109 850 сўм миқдоридан белгилансин.
- Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилаётган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияландирилган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.
- Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар республика Давлат бюджет ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин. Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобида энг кам миқдорини оширсин.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги ПФ-4482-сонли Фармони (6-данدى истисно қилинган ҳолда) 2013 йилнинг 15 августидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
- Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 11 июль

### АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Давлат котибининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича ёрдамчисининг ўринбосари Жейн Зиммерман раҳбарлигидаги делегация аъзолари 15 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова билан учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар кўплай йўналишларда, жумладан, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик

(Давоми 2-саҳифада)

## ШАҲАР БИЛАН БЎЙЛАШАДИГАН ҚИШЛОҚЛАР

Бу йилларда юрган кишининг эътиборини тортадиган биринчи манзара вилоят марказидан чиқаришда, Жиззах тумани ҳудудида барпо этилган "Учтепа" массиви бўлади. Қишлоқларда замонавий уй-жойлар қурилиши бошлангандан буён туманда барпо этилган 450 уйнинг 300 таси ана шу янги массивда бунёд қилинди. Замонавий уйларнинг худудга ажиб бир уйғунлик билан ярашиб турганидан олган завқингиз босилмасдан, йўл-йўлакай Пахтакор туманидаги "Чаманзор", "Гулистон", "Дўстлик туманидаги "Мевазор", Мирзачўл туманидаги "Галаба" массивларида бундан-да кўккам манзаралар хайрат ва ҳавасингизни янада оширади. Шунда бири бирдан обод ва файзли бу манзилларда бир зум тўхтаб, маҳабатли ўзгаришларни яқинроқдан кўриш истаги пайдо бўлиши табиий.

– Ўн беш йилдан буён шу йўлдан

қатнайман, аммо кейинги уч-тўрт йилда бу ерда қурилган замонавий уйлар худудга шаҳармонанд қиёфа бахш этди, – дейди ўзини Норпўлат Бегимкулов деб таништирган такси ҳайдовчиси. – Бу томонларга яқин орада келмаган киши ушбу ўзгаришларни кўриб, атрофни таниёлмай қолиши шубҳасиз.

"Мевазор" – Дўстлик тумани маркази бошланишидаги янги аҳоли массиви. Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш бошлангандан буён ўтган даврда туманда намунавий лойиҳалар асосида қурилган 175 уйнинг 80 таси "Навоий" ва "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинлари оралигидаги маъна шу массивда барпо этилди. Яна 55 оила мустақиллигимизнинг 22 йиллик кутлуг тўйини янги уйларда кутиб олишни ният қилиб турибди.

– Худудимизда намунавий уй-



ларга эга бўлишни хоҳловчилар йил сайин кўпайиб бораётди, – дейди "Навоий" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алижон Бозо-

ров. – Замонавий талаблар асосида лойиҳалаштирилган бу уйлар ёш оилаларга айниқса маъқул бўлмоқда.

"Мевазор"да ҳам янги уйларга талабдорлар кўп. Аҳолининг эҳтиёжи ҳисобга олиниб, келгуси йили яна 55 та уй қуриш бўйича ҳужжатлар тайёрланаётди. Уларнинг ҳам эгалари ҳозирдан аниқ.

Фарзандларининг келажagini йўлаб ўша – ҳалқимизга хос фазилат. Ҳар қандай ота-она фарзандининг янги уйда, яхши шароитда яшашини орзу қилади. Аҳолининг моддий фаровонлиги ошгани сари замонавий уйларга бўлган талаб ҳам ортиб бораётди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бошланган қишлоқни қайта қуриш саъй-ҳаракати бу орзу-ҳавасларга қанот бағишлади, уни рўбга чиқаришга кенг имконият яратди. Намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган янги уйларга асосан ёш оилалар кўчи кираётгани ана шу орзуларнинг ижобатидир.

(Давоми 2-саҳифада)

Қашқадарё вилояти

Сирдарё вилояти

## ЎЗИМИЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАР

**Жиззах ва Сирдарё вилоятлари худудидан ташкил этилган махсус индустриал зона мамлакатимизда юксак замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Сирдарё туманидаги Ҳақиқат қишлоғида "Peng-Sheng" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ҳамда Хитойнинг "ZTE (H.K.) LIMITED" компанияси ҳамкорлигида амалга оширилган янги лойиҳа ҳам ана шундай ишларнинг узвий давомидир. Яъни бу ерда "UZTE" замонавий мобиль телефонлари ишлаб чиқарила бошланди.

Йилига уч турдаги 100 минг донга мобиль телефон ва электрон асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган янги цех фаолияти йўлга қўйилиши натижасида 50 та янги иш ўрни яратил-



ди. Дастлабки маҳсулотлар мақбул нархларда ички бозорга чиқарилиши мўлжалланган.

– Корхона 2016 йилдан бошлаб тўлиқ қувват билан ишлаб бошлайди, – дейди "ZTE" компанияси раҳбари Чжань Рэнцзюнь. – Шунда бу ерда йилига 500 минг донга маҳсулот тайёрлаш имконияти юзага келади. Келгуси йилдан бошлаб эса маҳсулотларнинг 10 фоизини хорижга экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Шуниси аҳамиятлики, айни пайтда корхонада фаолият юритаётган ишчи-

ларнинг асосий қисми яқинда Сирдарё санаят касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир.

– Мен Сирдарё санаят касб-ҳунар коллежини тамомлаб, ушбу цехга ишга келдим, – дейди Мафтуна Юсупова. – Икки ой ичида мобиль телефонларни йиғиш сирларини пухта ўзлаштириб олдим. Бу ерда кўплай курсдошларимиз билан бирга меҳнат қиляпмиз.

**Бозорбой БЕКМУРDOV, "Qishloq hayoti" муҳбири.**  
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

## НАМУНАВИЙ МАҲАЛЛА ГУЗАРЛАРИ

Жорий йилнинг шу даврига қадар вилоятдаги юзта маҳалла (қишлоқ) фуқаролар йиғинларига компьютер жамланмаси топширилди. Бу истиқол йилларида маҳалла (қишлоқ) фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада кенгайтириш учун кўрсатилган гамҳўрликнинг ёркин намунасидир.

– Биз бу кўрсатилган эътибордан миннатдоримиз, – дейди Косон туманидаги Пистали маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хусниддин Хушмуродов. – Маҳалламизда 5527 нафар аҳоли истиқомат қилади, шунинг қарийб 70 фоизини ёшлар ташкил этади. Худудимиздаги 18 та фермер хўжалиги эса қишлоқ хўжалиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Маҳалламизга компьютер жамланмасининг ажратилиши ишмизни янада такомиллаштиради. Зеро, маҳалламиз ободлиги йўлидаги меҳнатларимиз юрт ободлиги, ҳалқимиз ҳаётининг фаровонлашувиغا қўшган муносиб ҳиссадир.

Хусан ТЕМИРОВ





